

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси – Ўзбекистоннинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Давлат статистика қўмитасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2016 йил январь–сентябрь ойлари яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2016 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ички маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯИМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.


ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 136 379,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 107,8 фоизга тенг бўлди.


2016 йилнинг январь–сентябрида ЯИМнинг ўсишига, қурилиш (115,0 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (114,1 фоиз), шунингдек ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа (107,1 фоиз) каби иқтисодий фаолият турларининг кўшилган қийматлари ўсиши асосий таъсир кўрсатди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 81,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 18,9 фоизи – давлат секторига тўғри келди.

Январь–сентябрда ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):



2016 йилнинг январь–сентябрида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби қуйидагича ифодаланади:



КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 283,0 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 266,2 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,1 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 23,4 фоизи), саноат (16,0 фоизи), қурилиш (8,4 фоизи), кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2016 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	283,0	100,0	266,2	100,0
шу жумладан:				
кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги	19,8	7,0	18,2	6,8
саноат	45,4	16,0	43,0	16,2
қурилиш	23,8	8,4	22,0	8,3
савдо	66,2	23,4	60,8	22,9
ташиш ва сақлаш	11,3	4,0	10,7	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	16,3	5,8	15,3	5,7
ахборот ва алоқа	6,9	2,4	6,4	2,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	8,4	3,0	8,2	3,1
бошқа фаолият турлари	84,9	30,0	81,6	30,6

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 86,4 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан 28,2 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 56,4 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 октябрь ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йилнинг январь–сентябрида жами 24,4 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 23,6 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 24,0 фоизи), Тошкент (9,6 фоизи), Фарғона (8,2 фоизи) ва Самарқанд (7,6 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 24,4 фоизи савдо, 20,6 фоизи саноат ва 9,8 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 20,3 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 3,4 мингтаси (жами фаолияти тугатилганлардан 17,2 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2016 йилнинг январь–сентябрида ЯИМ ва иқтисодий фаолият турлари ҳамда аҳоли бандлигида давлат ва нодавлат секторларининг нисбати куйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2016 йилнинг январь–сентябрида 23,6 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларини ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,4 фоизга кўпдир).

2016 йилнинг январь–сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг ЯИМдаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди (2016 йилнинг январь–сентябрида 53,6 фоиз)

2016 йилнинг январь–сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 34 230,3 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 43,8 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 118,4 фоизни ташкил қилди;

– 13 257,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 38,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 126,6 фоизни ташкил қилди;

– 15 674,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,0 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 121,1 фоизни ташкил қилди;

– автомобил транспорти юк айланмасининг 6,9 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 84,6 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 92,3 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– 39 051,5 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 60 фоизи), 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 115,3 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,9 фоизи ёки 57 373,7 млрд. сўми (2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 117,5 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 2 869,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 31,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 4 146,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 46,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

– 10 336,0 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,8 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 8 150,6 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркорлар, 2 185,4 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.


2016 йилнинг январь–сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида</i>
Саноат	34 230,3	44,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	35 582,4	100,0
Қурилиш	15 674,7	65,1
Чакана савдо	57 373,7	84,5
Юк ташиш, млн.тн	579,3	63,4
Йўловчи ташиш, млн.киши	5 086,3	91,1
Экспорт, млн. АҚШ долл.	2 869,8	4,0
Импорт, млн. АҚШ долл.	4 146,3	12,1

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9 515,3 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 92,1 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2016 йилнинг январь–сентябрида 373 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Ҳисобот даврида Тошкент вилоятида 78 та, Фарғона вилоятида 57 та, Қорақалпоғистон Республикасида 34 та, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 31 тадан объект хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади ва 244 та объектни ташкил этади.

2016 йилнинг январь–сентябрида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағлари 110,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Худудлар кесимида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 50,3 фоизи), Тошкент (11,5 фоиз), Фарғона (6,4 фоиз), Бухоро ва Наманган (5,5 фоиз), Қашқадарё (4,1 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Дастлабки маълумотларга кўра 2016 йилнинг январь–сентябрида ташқи савдо айланмаси 17 871,0 млн. АҚШ долларини, жумладан 9 015,5 млн. АҚШ долларини–экспорт операциялари, 8 855,5 млн. АҚШ долларини–импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 160,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

2016 йилнинг январь–сентябрида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида республиканинг ташқи савдо айланмаси куйидагича ифодаланади:


	<i>Млн. АҚШ dollari</i>	<i>Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ташқи савдо айланмаси	17 871,0	100,0
МДҲ мамлакатлари	6 414,3	35,9
бошқа давлатлар	11 456,7	64,1
Экспорт	9 015,5	100,0
МДҲ мамлакатлари	3 475,9	38,6
бошқа давлатлар	5 539,6	61,4

Давоми

	Млн. АҚШ доллари	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Импорт	8 855,5	100,0
МДХ мамлакатлари	2 938,4	33,2
бошқа давлатлар	5 917,1	66,8
Сальдо	160,0	х
МДХ мамлакатлари	537,5	х
бошқа давлатлар	-377,5	х

Январь–сентябрда республика ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

2016 йилнинг январь–сентябрида республика экспорт–импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	<i>Млн. АҚШ доллари</i>	<i>Таркиби, фоиз ҳисобида</i>
Экспорт	9 015,5	100,0
пахта толаси	336,5	3,7
озиқ–овқат маҳсулотлари	853,3	9,5
кимёвий маҳсулотлар ва ундан тайёрланган буюмлар	669,3	7,4
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	1 223,6	13,6
қора ва рангли металллар	519,7	5,8
машина ва ускуналар	160,0	1,8
хизматлар	2 364,9	26,2
бошқалар	2 888,2	32,0
Импорт	8 855,5	100,0
озиқ–овқат маҳсулотлари	1 065,9	12,0
кимёвий маҳсулотлар ва ундан тайёрланган буюмлар	1 564,1	17,7
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	437,0	4,9
қора ва рангли металллар	668,2	7,5
машина ва ускуналар	3 648,6	41,2
хизматлар	571,2	6,5
бошқалар	900,5	10,2

Ташқи савдо айланмасининг
қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йилнинг январь–сентябрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Млн. АҚШ доллари	2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
Хитой	3 162,1	90,2	17,7
Россия	3 073,2	91,2	17,2
Қозоғистон	1 548,6	73,8	8,7
Туркия	854,5	93,8	4,8
Корея Республикаси	726,9	55,5	4,1
Германия	403,9	102,0	2,3
Афғонистон	376,7	113,2	2,1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

Давоми



	<i>Млн. АҚШ доллари</i>	<i>2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>
Бразилия	304,3	116,9	1,7
АҚШ	298,7	136,0	1,7
Ҳиндистон	269,2	120,2	1,5
Эрон	247,1	98,5	1,4
Литва	226,5	97,3	1,3
Латвия	210,7	158,4	1,2
Франция	204,0	90,9	1,1
Япония	194,9	114,8	1,1
Туркманистон	187,4	68,7	1,0
Украина	186,6	66,6	1,0
БАА	179,7	197,0	1,0
Тожикистон	144,0	114,9	0,8
Италия	128,1	106,8	0,7
Қирғизистон	120,3	117,8	0,7
Швейцария	118,1	159,8	0,7
Буюк Британия	106,8	133,8	0,6
Бангладеш	92,2	88,6	0,5
Польша	91,6	95,4	0,5
Беларусь	83,2	98,3	0,5
Австрия	80,4	137,2	0,4

Давоми



	Млн. АҚШ доллари	2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида
Бельгия	60,3	95,6	0,3
Грузия	58,3	80,1	0,3
Малайзия	56,0	81,2	0,3
Нидерландия	49,9	77,7	0,3
Испания	43,5	152,1	0,2
Чехия Республикаси	42,7	69,5	0,2
Индонезия	39,6	412,5	0,2
Сингапур	39,2	85,0	0,2
Венгрия	29,6	86,3	0,2
Исроил	29,3	83,0	0,2
Покистон	26,2	133,0	0,1
Словения	26,0	74,1	0,1
Швеция	23,8	80,4	0,1
Финляндия	23,5	75,1	0,1
Вьетнам	23,2	97,5	0,1
Саудия Арабистони	22,4	149,3	0,1
Дания	21,0	110,5	0,1
Ирландия	18,9	121,9	0,1
Руминия	17,8	79,5	0,1
Болгария	17,7	51,0	0,1

2016 йилнинг январь–сентябрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимёвий маҳсулотлар ва ундан тайёрланган буюмлар
- Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва усқуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

САНОАТ

2016 йилнинг январь–сентябрида 78 140,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 2015 йилнинг тегишли даврига нисбатан 105,8 фоизни ташкил этди. Соҳада меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 4,0 фоизга ошди.

Тармоқлар классификациясининг халқаро стандарти бўйича 2016 йилнинг 9 ойлиги якунларига кўра, саноат ишлаб чиқариш индекси, қурилишни қўшган ҳолда, 107,2 фоизни ташкил қилди.

Тадбиркорлик муҳитини такомиллаштириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб–қувватлашга қаратилган чора–тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг саноат умумий ишлаб чиқаришидаги улуши 43,8 фоизгача (ўтган йилнинг мос даврида 38,7 фоиз) ўсди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2016 йилнинг январь–сентябрь ойларида 4 091,7 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ҳисобот даврида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 31 128,9 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 фоизни ташкил қилди, жумладан озиқ–овқат маҳсулотлари 15 778,0 млрд. сўмни ва 113,7 фоизни, ноозиқ–овқат маҳсулотлари эса 15 350,9 млрд. сўмни ва 95,3 фоизни ташкил қилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 39,8 фоизга етди.

2016 йилнинг январь–сентябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми	78 140,3	105,8
Тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш	8 351,1	104,1
улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш	4 676,0	104,9
металл рудаларини қазиб олиш	2 616,8	101,7
тоғ–кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	695,5	119,7

Давоми


	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Қайта ишлаш саноати	62 265,4	106,4
ундан:		
озик–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	17 821,7	113,7
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	12 353,5	114,8
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	8 640,8	76,7
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	6 586,6	134,1
металлургия саноати	5 734,2	104,8
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	4 703,7	112,9
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2 116,8	99,0
ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқариш	1 599,9	111,1
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	748,2	112,0
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	711,4	123,7

Давоми

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	6 954,5	102,2
Сув билан таъминлаш; канализация tizими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	569,3	113,5
Истеъмол товарлари	31 128,9	103,8
шу жумладан:		
озик–овқат	15 778,0	113,7
ноозик–овқат	15 350,9	95,3

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2016 йилнинг январь–сентябрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларини ишлаб чиқариш умумий ҳажми 36 344,6 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 106,4 фоизни, жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳалардаги хизматлар – 36 134,2 млрд. сўмни (106,4 фоиз), ўрмон хўжалигида – 69,2 млрд. сўмни (102,2 фоиз), балиқчилик хўжалигида – 141,2 млрд. сўмни (125,5 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. 2016 йилнинг январь–сентябрида деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 21 126,2 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,0 фоизни (2015 йилнинг январь–сентябрида 106,5 фоиз) ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб–териб олиш. 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 7 409,1 минг тонна донли экин, шу жумладан 6 926,4 минг тонна бошоқли дон, шундан 6 748,3 минг тонна буғдой йиғиб олинди.

Ҳисобот даврида 2 269,2 минг тонна картошка қазиб олинди (2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 10,4 фоизга кўп), 8 218,9 минг тонна сабзавот (10,7 фоизга кўп), 1 469,3 минг тонна полиз экинлари (10,3 фоизга кўп), 2 037,7 минг тонна мева ва резаворлар (10,2 фоизга кўп) ҳамда 1 216,4 минг тонна узум(11,9 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2016 йилнинг январь–сентябрида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 14 557,8 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни (2015 йилнинг январь–сентябрида 106,7 фоиз) ташкил қилди.

2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 380,9 минг бошга (3,4 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 62,0 минг бошга (1,5 фоизга), қўй ва эчкилар сони 861,0 минг бошга (4,5 фоизга), паррандалар сони 6 298,3 минг бошга (11,0 фоизга) кўпайди.

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,1 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,8 фоизни, сигирлар мос равишда – 94,6 ва 4,5 фоизни, қўй ва эчкилар – 83,3 ва 7,3 фоизни, отлар – 84,6 ва 9,5 фоизни, паррандалар – 64,7 ва 11,6 фоизни ташкил қилди.

2016 йил 1 октябрь ҳолатига барча хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар сони қуйидагича ифодаланади:

	<i>Минг бош</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Йирик шохли қорамол	11 574,7	103,4
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	556,4	103,4
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	10 889,9	103,4
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	128,4	104,8
шу жумладан сигирлар	4 275,0	101,5
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	191,3	103,0
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4 045,9	101,4
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	37,8	105,3
Қўй ва эчкилар	19 967,9	104,5
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1 461,4	106,6
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	16 633,6	104,2
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 872,9	105,4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

Давоми

	<i>Минг бош</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Отлар	221,0	102,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	21,0	106,3
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	186,9	102,2
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	13,1	102,4
Паррандалар	63 432,9	111,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	7 361,7	106,4
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	41 049,2	110,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	15 022,0	116,2

2016 йилнинг январь–сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда 1 576,1 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2015 йил январь–сентябрига нисбатан 6,6 фоизга кўп), 6 897,9 минг тонна сут (6,9 фоизга кўп), 4 531,8 млн. дона тухум (10,8 фоизга кўп), 29,7 минг тонна жун (4,1 фоизга кўп), 977,5 минг дона қорақўл тери (3,2 фоизга кўп) етиштирилди.

2016 йилнинг январь–сентябрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	<i>Миқдори</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1 576,1	100,0	106,6
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	38,6	2,5	106,5
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1 496,0	94,9	106,6
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	41,5	2,6	107,7

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

		<i>Давоми</i>	
	<i>Миқдори</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>
Сут, минг тн.	6 897,9	100,0	106,9
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	226,8	3,3	106,6
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	6 621,5	96,0	106,9
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	49,6	0,7	110,5
Тухум, млн. дона	4 531,8	100,0	110,8
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	431,9	9,5	113,8
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2 731,5	60,3	114,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 368,4	30,2	104,0
Жун, тн.	29 730,0	100,0	104,1
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	2 075,0	7,0	104,2
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	25 461,0	85,6	104,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2 194,0	7,4	104,2
Қоракўл тери, минг дона	977,5	100,0	103,2
шу жумладан:			
фермер хўжаликлари	54,2	5,5	103,6
деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	807,9	82,7	104,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	115,4	11,8	97,6

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,9 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,0 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 60,3 фоизни, жун ишлаб чиқаришда 85,6 фоизни, қоракўл тери ишлаб чиқаришда эса 82,7 фоизни ташкил қилди.

Фермер хўжаликлари. 2016 йилнинг январь–сентябрида фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳажми 10 720,3 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,0 фоизга ўсди. Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 30,0 фоизни ташкил қилди.

2015 йилнинг 1 октябри билан солиштирилганда фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 18,2 минг бошга (ёки 3,4 фоизга), сигирлар 5,5 минг бошга (3,0 фоизга), қўй ва эчкилар 91,0 минг бошга (6,6 фоизга), паррандалар 443,3 минг бошга (6,4 фоизга) кўпайган.

2016 йилнинг январь – сентябрида фермер хўжаликлари томонидан асосий турдаги дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмларидаги улуши куйидагича ифодаланади:

	<i>Минг тонна</i>	<i>Ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда</i>	<i>Ўсиш суръати, фоизда</i>
Бошоқли дон	5 792,2	83,6	100,7
шу жумладан, буғдой	5 667,6	84,0	100,5
Картошка	438,0	19,3	109,1
Сабзавотлар	2 294,1	27,9	111,3
Полиз экинлари	648,8	44,2	108,4
Мева ва резаворлар	842,0	41,3	110,1
Узум	567,9	46,7	110,2
Гўшт (тирик вазнда)	38,6	2,5	106,5
Сут	226,8	3,3	106,6
Тухум, млн. дона	431,9	9,5	113,8
Жун	2075	7,0	104,2
Қоракўл, минг дона	54,2	5,5	103,6

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2016 йилнинг январь–сентябрида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 34 596,2 млрд.сўми (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 11,9 миллиард АҚШ долларини) ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,4 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати 25,4 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 1,2 фоизга ортди.

2016 йилнинг январь–сентябрида мулкчилик шакллари ва молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

(яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Жами	Шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, млрд.сўм	34 596,2	6 279,4	28 316,8
шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
давлат бюджети маблағлари	1 693,0	21,7	1,2
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	1 858,4	29,0	0,1
корхоналар ва аҳоли маблағлари	18 067,2	21,1	59,1
чет эл инвестициялари ва кредитлари	7 568,6	18,5	22,6
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	3 781,8	3,0	12,7
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	1 341,7	2,5	4,2
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	285,5	4,2	0,1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ


2016 йилнинг январь–сентябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича ифодаланади:

	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
Жами	34 596,2	100,0
шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 180,4	3,4
тоғ–кон саноати	5 794,9	16,8
ундан:		
кўмир ва лигнит қазиб олиш	229,2	0,7
хом нефть ва табиий газ қазиб олиш	5 141,0	14,9
металл рудалар қазиб олиш	184,6	0,5
қайта ишлаш саноати	4 909,6	14,2
ундан:		
озик–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	694,6	2,0
тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим	668,3	1,9
кимё маҳсулотлари	807,9	2,3
резина ва пластмасса буюмлар	266,3	0,8
нометалл минерал маҳсулотлар	625,2	1,8
металлургия	553,2	1,6
металл буюмлар	269,0	0,8
автотранспорт воситалари ва бошқа транспорт ускуналари	242,4	0,7
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1 388,9	4,0

Давоми

	Млрд.сўм	Умумий ҳажмга нисбатан, фоиз ҳисобида
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	408,9	1,2
қурилиш	1 795,1	5,2
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	1 731,9	5,0
ташиш ва сақлаш	3 467,2	10,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	395,1	1,1
ахборот ва алоқа	980,9	2,8
улардан:		
алоқа	934,6	2,7
молиявий ва суғурта фаолияти	273,2	0,8
кўчмас мулк билан операциялар	412,0	1,2
профессионал, илмий ва техник фаолият	375,5	1,1
таълим	995,5	2,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	775,2	2,2
улардан:		
соғлиқни сақлаш	760,0	2,2
турар жой биноларини қуриш, шу жумладан:		
бошқа тоифаларга киритилмаган: турар жой биноларини қуришга инвестициялар	7 937,0	22,9
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	300,7	0,9
бошқа фаолият турлари	1 474,2	4,3

Чет эл инвестициялари ва кредитларини алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштириш қуйидагича ифодаланган:



- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Хом нефть ва табиий газни қазиб олиш
- Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- Тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш
- Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш
- Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Қурилиш
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Ташиш ва сақлаш
- Ахборот ва алоқа
- Таълим
- Соғлиқни сақлаш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2016 йилнинг январь–сентябрида умумий майдони 10 080,0 минг кв.м. бўлган 71,4 мингта уй ёки 72,9 мингта хонадон (2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 109,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 7 609,4 минг кв.м. (111,5 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Касалхоналар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини янгидан қуришда ва капитал қайта таъмирлашда 278,2 млрд. сўмлик инвестициялар

ўзлаштирилди ва бу соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 36,6 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 302,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 30,4 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва қайта таъмирлашда 314,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 31,6 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 169,9 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 129,5 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 76,2 фоизи), чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан 19,4 млрд. сўм (11,4 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 19,6 млрд. сўм (11,6 фоизи), корхона, ташкилотлар ва бошқа манбалар ҳисобидан 1,4 млрд. сўм (0,8 фоизи) ўзлаштирилди.


Газ тармоқлари қурилишига 6,9 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 5,2 млрд. сўм (75,4 фоизи), корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 1,7 млрд. сўм (24,6 фоизи) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2016 йилнинг январь–сентябрида 22 391,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 115,0 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда




ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2016 йилнинг январь–сентябрида барча турдаги транспортлар томонидан 1 173,8 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 67,0 млрд.тн–км.ни ташкил қилди ёки 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 105,7 фоизга ўсди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	<i>2016 йил январь–сентябрь</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Ташилган юк, млн. тн.	1 173,8	104,8
темир йўл транспортида	50,8	101,0
автомобил транспортида	1 077,3	104,8
ҳаво транспортида, минг тн	19,6	109,0
қувур йўллари орқали	45,7	108,0
Юк айланмаси, млн. тн–км	67 041,8	105,7
темир йўл транспортида	17 510,0	101,0
автомобил транспортида	25 009,0	104,8
ҳаво транспортида	92,7	96,0
қувур йўллари орқали	24 430,1	110,6

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

2016 йилнинг январь–сентябрида магистрал темир йўл транспортида асосий турдаги юкларни ташиш қуйидагича ифодаланади:

	<i>Минг тонна</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Юклар – жами	50 798,1	101,0
шу жумладан:		
тошкўмир	2 496,4	85,9
нефт маҳсулотлари	7 681,6	94,8
кора металллар	683,0	88,0
кора метал темир–терсаклари	533,9	97,2
кимёвий ва минерал ўғитлар	3 415,2	103,0
қурилиш материаллари	5 760,1	94,6
цемент	3 925,5	96,7
ёғоч–тахта материаллари	14,4	42,0
пахта-толаси	299,3	104,3
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	908,4	90,3

Автомобил транспортида 1 077,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 4,8 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 25,0 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 4,8 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортидаги юк айланмаси 2015 йил январь–сентябрь даражасидан 6,2 фоизга кўпайди ва 18,9 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 75,6 фоизни (2015 йилнинг январь–сентябрида 74,5 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 19,6 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 9,0 фоизга кўпдир, юк айланмаси эса 4,0 фоизга камайиб, 92,7 млн.тн–км.ни ташкил қилди.

Магистрал кувур йўллари юк айланмаси 24,4 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,6 фоизга ортди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 5 666,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 4,0 фоизга ортиди. Йўловчи ташиш айланмаси 4,1 фоизга кўпайиб, 79,5 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси куйидагича ифодаланади:

	<i>2016 йил январь– сентябрь</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	5 666,4	100,0	104,0
темир йўл транспортида	15,5	0,3	102,0
автомобил транспортида	5 607,3	99,0	104,1
ҳаво транспортида	1,6	0,03	93,1
шаҳар электр транспортида	42,0	0,7	86,3
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	79 500,3	100,0	104,1
темир йўл транспортида	2 954,7	3,7	102,9
автомобил транспортида	71 135,8	89,5	104,7
ҳаво транспортида	5 100,9	6,4	97,6
шаҳар электр транспортида	308,9	0,4	92,5

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келиб, 99,0 фоизни, йўловчи айланмасида 89,5 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 2,0 фоизга ошди ва 15,5 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 2,9 фоизга ошди ва 2 954,7 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1 603,8 мингта йўловчи ташилди, бу кўрсаткич 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 6,9 фоизга камдир, йўловчи айланмаси 5 100,9 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоизга пасайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан, мос равишда, 0,3 фоизга камайди.

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2016 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси 63 802,2 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 114,2 фоизни ташкил қилди.

2016 йилнинг январь–сентябрида чакана товар айланмаси таркиби мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	63 802,2	114,2	100,0
давлат мулки	84,1	109,2	0,1
нодавлат мулки	63 718,1	114,2	99,9
шундан:			
фуқароларнинг хусусий мулки	48 633,7	120,7	76,2

Йирик корхоналар чакана савдо товар айланмаси 6 428,5 млрд.сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 10,1 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 17,5 фоизга кўпайиб, 57 373,7 млрд. сўмни, чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши эса 89,9 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари товар айланмаси умумий ҳажмида уюшмаган савдо товар айланмаси 9 025,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 5,7 фоизга ошди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 14,1 фоизга тенг бўлди.

2016 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	63 802,2	114,2	100,0
йирик корхоналар	6 428,5	90,9	10,1
кичик тадбиркорлик	57 373,7	117,5	89,9
шундан уюшмаган савдо товар айланмаси	9 025,6	105,7	14,1

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь–сентябрида куйидагича ифодаланади:

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами хизматлар	65 046,6	112,4	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	4 456,7	113,8	6,9
молиявий хизматлар	7 031,1	119,4	10,8
транспорт хизматлари	18 974,4	107,1	29,2
шу жумладан:			
автотранспорт хизматлари	10 315,8	116,3	15,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2 025,3	111,4	3,1
савдо хизматлари	18 576,1	114,4	28,6
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	2 427,3	116,3	3,7
таълим соҳасидаги хизматлар	2 316,5	106,7	3,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	998,8	116,2	1,5
ижара ва прокат хизматлари	1 571,7	117,5	2,4
компьютер ва маиший техника товарларини таъмирлаш хизматлари	1 574,7	114,6	2,4
шахсий хизматлар	2 078,3	114,2	3,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	717,3	112,3	1,1
бошқа хизматлар	2 298,4	112,3	3,5

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар 119,4 фоизга, ижара ва прокат бўйича хизматлар 117,5 фоизга, кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар 116,3 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 116,2 фоизга, компьютер ва маиший

товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар 114,6 фоизга, савдо соҳасидаги хизматлар 114,4 фоизга, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 113,8 фоизга ошиб, юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт хизматлари (жами хизматларнинг 29,2 фоизи), савдо хизматлари (28,6 фоизи), молиявий хизматлар (10,8 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,9 фоизи) ҳиссасига тўғри келди.

НАРХЛАР

Нарх индексларининг ўзгариши Январь–сентябрда (нарх–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	Ўртача ойлик даражаси		Сентябрь ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2015й.	2016й.	2015й.	2016й.
Истеъмол нархлари индекси	0,2	0,2	2,2	2,2
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	0,8	1,1 ¹⁾	7,0	10,6 ¹⁾

2016 йил январь–сентябрда асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари

	Ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Саноат фаолияти	110,6
Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	103,3
Хом нефть ва табиий газ қазиб олиш	106,2
Металл рудаларини қазиб олиш	96,4

¹⁾ 2016 йилдан бошлаб ИНИ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий фаолият турлари таснифлагичига (ИФУТ – 2 таҳрири) мувофиқ ҳисобланган.

	Ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Қайта ишлаш саноати	111,8
Озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	110,4
Ичимликлар ишлаб чиқариш	123,4
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	110,3
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,3
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	107,5
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	136,5
Металлургия саноати	117,5
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	116,8
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	121,5
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	103,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	109,1
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	102,6

ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республика доимий аҳолисининг сони 31 977,1 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 401,8 минг кишига ёки 1,3 фоизга кўпайди. Шундан, 16 181,4 минг киши – шаҳар жойларида (аҳоли умумий сонининг 50,6 фоизи) ва 15 795,7 минг киши – қишлоқ жойларида (49,4 фоизи) истиқомат қилади.

Январь–сентябрда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари куйидагича ифодаланеди:

	Минг киши		Ҳар 1000 кишига	
	2015 йил	2016 йил	2015 йил	2016 йил
Туғилганлар	531,6	532,4	22,8	22,4
Ўлганлар	109,1	108,9	4,7	4,6
шу жумладан бир ёшгача болалар (ҳар 1000 та туғилганга)	6,1	5,6	11,1	10,1
Никоҳлар, мингта	186,2	176,1	8,0	7,4
Ажралишлар, мингта	21,7	22,2	0,9	0,9

Туғилиш даражаси. 2016 йилнинг январь–сентябрида туғилганлар сони 532,4 мингтани ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (531,6 минг киши) нисбатан 0,8 минг кишига кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,4 промиллени ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (22,8 промиллени) нисбатан 0,4 промилега камайган.

Ўлим даражаси. 2016 йилнинг январь–сентябрида ўлганлар сони 108,9 мингтани ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (109,1 минг киши) нисбатан 0,2 минг кишига камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил қилди (2015 йил январь–сентябрда – 4,7 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 59,4 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,9 фоизи – ўсма касалликларидан, 6,3 фоизи – бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 5,9 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,9 фоизи – инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли, 12,4 фоизи бошқа касаликлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–сентябрида бир ёшга тўлмаган 5,6 мингта болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 10,1 промиллени ташкил қилди (2015 йилнинг январь–сентябрида–11,1 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 55,5 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 24,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 9,8 фоизи – туғма аномалиялардан, 3,1 фоизи – инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли, 1,8 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 0,7 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,7 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2016 йилнинг январь–сентябрида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 176,1 мингта никоҳлар ва 22,2 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,4 та (2015 йилнинг шу даврида – 8,0 та) никоҳ ва 0,9 та (2015 йилнинг шу даврида – 0,9 та) ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–сентябрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 106,5 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 128,2 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 21,7 минг кишига (2015 йилнинг шу даврида – минус 23,1 минг киши) тенг бўлди.

БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Бандлик. 2016 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 14 009,7 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 44,1 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13 289,3 минг кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси ташиш ва сақлаш соҳасида (3,8 фоизга), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (3,7 фоизга), ахборот ва алоқа соҳасида (3,4 фоизга), қурилишда (3,3 фоизга) кузатилди.

2016 йилнинг январь–сентябрида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,9 фоизни ташкил этди.

Нодавлат секторда жами бандлар улуши 81,9 фоизга етди, бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврида 81,7 фоизни ташкил қилган.

Ишсизлик¹⁾. 2016 йил сентябрь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 5,4 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига (3,0 минг киши) нисбатан 76,7 фоизга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2016 йил январь–сентябрида 720,4 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,1 фоизга тенг бўлди.

¹⁾ Меҳнат вазирлиги маълумотлари асосида